

Бунинг боиси, Фориш тумани майдони жиҳатидан вилоятда етакчиликка эга бўлсада, аҳоли сони динамикаси ва соф демографик жараёнларда анча оқсайди. Қолаверса, туман қишлоқ аҳоли пунктлари (111 та) бўйича ҳам бошқа туманларга нисбатан олдинда эканлиги ҳам унинг иқтисодий-ижтимоий ривожланишига ўз таъсирини кўрсатади.

Юқоридагиларни инобатга олсак, вилоят қишлоқ аҳоли манзилгоҳлари текислик ва тоғ-тоғолди минтақасида географик ва демографик хусусиятларига қараб ажралиб туради. Улардаги аҳоли сони динамикаси, табиий ҳамда меҳаник ҳаракатидаги ўзгаришлар ҳудудларни иқтисодий-ижтимоий соҳаларнинг барқарорлигини таъминлашда муҳим. Аҳолиси ўсиб бораётган қишлоқ ҳудудларда айниқса, таълим ва тиббиёт соҳасини янада кенгайтириш, меҳнат ресурсига нисбатан иш ўринларини кўпайтириш, барқарор иш жойлари билан таъминлаш лозим. Бугунги кунда жаҳон тажрибаси ҳам бунга яққол мисол бўла олади. Боиси, қишлоқ жойларда муносиб иш ўринларининг йўқлиги, инфраструктуранинг тўғри йўлга қўйилмаганли, ижтимоий соҳаларнинг шаҳар жойларга нисбатан ривожланишдан ортда қолаётганлиги натижасида аҳолининг қишлоқларни жойларни тарк этиши билан характерланмоқда.

Фойладанилган адабиётлар:

1. Айрапетов А. М. Таблицы исчисления среднегодовых темпов роста, прироста и снижения. - Москва : Статистика, 1971.
2. Ҳайдарова С.А. Жиззах вилоятида аҳоли миграция ҳаракатларининг вужудга келиш масалалари. Ўзбекистон География жамияти ахбороти. 40-жилд. Илмий мақолалар тўплами. Тошкент, 2012 йил. 91-бет.
3. Жиззах вилояти тоғли ҳудудлар қишлоқларининг ривожланиш хусусиятлари. <https://jizzax.uz/131-zhizzah-viloyati-toli-ududlar-ishlolarining-rivozhlanish-hususiyatlari.html>

ҲУДУДЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА КЛАСТЕР МЕХАНИЗМИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ БЎЙИЧА ХОРИЖИЙ ТАЖРИБА

Ахмедиева Алия Тохтаровна
и.ф.д., ТДИУ хузуридаги “Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантиришнинг илмий асослари ва муаммолари” илмий тадқиқот маркази
Рахимходжаева Нодира Саидахрамовна
ТДИУ хузуридаги “Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантиришнинг илмий асослари ва муаммолари” илмий-тадқиқот маркази мустақиллик изланувчи

Кластер сиёсати ва амалиёти соҳасидаги жаҳон тажрибасини ўрганиш барқарор иқтисодий ўсиш ва минтақаларнинг ижтимоий ривожланишига ҳисса қўшган муваффақиятли стратегиялар, воситалар ва механизмларни аниқлаш имконини беради. Ушбу тажрибани таҳлил қилиш миллий

амалиётга самарали ёндашувларни мослаштириш ва амалга ошириш учун асос бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Кластер тузилмаларини шакллантириш бўйича хорижий тажриба, шунингдек уларнинг ҳудудларнинг иқтисодий ривожланишига таъсири. Муваффақиятнинг асосий омиллари ҳудудларнинг рақобатбардошлиги ва барқарорлигини ошириш шароитида Кластер механизидан фойдаланиш истиқболлари ҳисобланади.

Тадқиқот натижалари шуни кўрсатдики, кластер ташаббусларини муваффақиятли амалга ошириш мисоллари - Дания, Голландия, Белгия, Канада, Финляндия, шунингдек, Жанубий Африка, Франция ва Италия каби давлатлари ҳисобланади[1]. Шу билан бирга, кластерларни ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқишда бошқа мамлакатларда мавжуд бўлган тажрибадан нусха олиш мумкин эмас. Кластер стратегиясининг самарадорлиги кўп жиҳатдан мамлакат, минтақавий ва тармоқ хусусиятларига асосланган бўлиб, улар рақобатбардош устунлик манбаларига айланади.

Сўнгги ўн йил ичида самарали "кластер стратегиялари" энг машҳур стратегияларга айланди. Кластерлар жаҳон бозорида ўз кучини ва рақобатбардошлигини исботлаган бизнес фаолият марказларида ташкил этилган. Давлат мавжуд кластерларни қўллаб-қувватлайди ва илгари алоқада бўлмаган янги гуруҳларни яратишга ёрдам беради. Кластер стратегиялари Европа мамлакатларида кенг қўлланилади.

Мисол учун, Германияда 1995 йилдан буён Bio Regio биотехнологик кластерларини яратиш дастури мавжуд. Буюк Британияда ҳукумат Эдинбург, Оксфорд ва Жанубий-Шарқий Англия атрофидаги ҳудудларни биотехнология фирмаларининг асосий ҳудудлари сифатида белгилади. Норвегияда ҳукумат "денгиз хўжалиги" кластеридаги фирмалари ўртасидаги ҳамкорликни рағбатлантиради. Финляндия 1995 йилда Advantage Finland - The Future of Finnish Industries деб номланган кенг қўламли тадқиқотлар олиб борилиб, улар доирасида ривожланиш тенденциялари аниқланди ва салоҳиятли кластер рақобатбардошлиги истиқболлари баҳоланди. Финляндия иқтисодиётни тадқиқ этиш институти (ELTA) томонидан тўққизта асосий кластер аниқланган: ахборот-телекоммуникация, металлургия, энергетика, бизнес хизматлари, соғлиқни сақлаш, машинасозлик, озиқ-овқат ва қурилиш .

Жанубий-Шарқий Осиё ва Хитойда, хусусан, Сингапурда (нефт-кимё соҳасида), Японияда (автомобилсозлик) ва бошқа мамлакатларда кластерларни шакллантириш жараёни фаол давом этмоқда. Хитойда бугунги кунда 60дан ортиқ махсус гуруҳлар мавжуд бўлиб, унда 30 минг фирма мавжуд, улар 3,5 миллион ходимлар билан ишлайди. Уларда йиллик савдо ҳажми тахминан 200 миллиард долларни ташкил этади .

Шу билан бирга, барча мамлакатлар кластерларни ривожлантиришда ижобий тажрибага эга эмас, масалан, 1994 йилда Португалияда 33та кластерлар ташкил этилган, аммо уларнинг барчаси самарали фаолият

кўрсатмаган, бунинг сабаби шундаки, ташкил этилган кластерлар ёки дастлабки босқичда рақобатбардош бўлмаган ёки шунчаки алоқадор бўлмаган фирмаларнинг оддий бирлашмаси сифатида фаолият кўрсатган.

Шунга қарамай, аксарият ҳолларда кластерлар алоҳида корхоналарга қараганда рақобатбардошдир. М.Энрайт томонидан 160 та минтақавий кластерлар ўртасида ўтказилган сўров натижаларига кўра, кластерларнинг 60% атрофида жаҳон ёки миллий етакчилар қаторида жой олган ва фақат 20%ида - рақобатдошлик даражаси паст бўлган[2].

Ушбу кластер фирмаларининг билимларни тарқатишдаги узвий боғлиқлиги уларга асосий рақобатчиларга нисбатан рақобатбардош афзалликларни таъминлади (Финляндия ҳам тадқиқот, ҳам технологик ҳамкорлик даражаси бўйича етакчилик қилади). Институт (ETLA) кластерларни етуклик даражасига кўра ажратиб, уларнинг кучли, барқарор, салоҳиятли ва латентли таснифларини алоҳида келтиради (1-жадвал).

1-жадвал

Кластерларни етуклик даражаси бўйича таснифлаш[3]

Т/р	Тасниф	Қисқача тавсиф
1	Кучли	Кластернинг ишлаб чиқариш циклининг ташқи босқичларини акс эттирувчи самарали тузилмалари, юқори рақобат ва иштирокчилар ўртасидаги фаол ўзаро муносабатлари барқарор рақобатбардош устунликни яратади.
2	Барқарор	Кластернинг таркибий тузилмаси барқарор ривожланмоқда, аммо бугунги кунда агломерациядан сезиларли фойда олиш учун ишлаб чиқариш салоҳиятининг муҳим қисми тўпланмаган, кластердаги фаол ўзаро таъсирлар мавжуд.
3	Салоҳиятли	Кластер тузилмалари ҳали такомиллашмаган, аммо у жадал ривожланмоқда.
4	Латентли	Фақатгина алоҳида кластер тузилмалари мавжуд, коммуникация алоқалари етарли эмас.

Кучли кластерлар самарали тузилмаси билан ажралиб туради, бу ишлаб чиқариш жараёнининг энг муҳим босқичларини, юқори рақобат ва иштирокчилар ўртасидаги фаол ўзаро муносабатларни акс эттиради, бу эса барқарор рақобатбардош устунликни яратади. Барқарор кластерлар турғун ривожланмоқда, уларнинг ичида фаол ўзаро муносабатлар мавжуд, аммо ишлаб чиқариш салоҳиятининг муҳим қисми агломерациядан сезиларли фойда олиш учун ҳали етарли эмас.

Салоҳиятли кластерлар муҳим ривожланиш ресурсларига ва айни пайтда жуда тарқоқ тузилмасига эга. Латентли кластерлар фақат айрим таркибий боғланишлар ва заиф коммуникация ўзаро таъсирлар мавжудлиги билан тавсифланади.

Шундай қилиб, ёндашувларнинг фарқига қарамасдан, аксарият Европа давлатлари ўзлари учун бир ёки бир нечта кластер стратегиясини ишлаб

чиқдилар. Стратегик ёндашув доирасида ривожланган мамлакатлардаги кластер саноат, минтақа, мамлакатни ривожлантириш стратегиясини амалга ошириш воситаси сифатида қаралади.

Бундан ташқари, кластерни саноатнинг рақобатбардошлигини ошириш учун восита сифатида кўриб чиқадиган ёндашувларни ҳам алоҳида таъкидлаш мумкин. Стратегик ёндашувнинг муҳим жиҳати – кластерни яратишнинг якуний мақсади бўлиб, у ўз навбатида унинг турини (саноат, рақобатбардош, инновацион)[4] ни белгилайди. Шу билан бирга, маҳаллий ҳокимият ташаббуси ва саноат ёки минтақавий рақобатбардош устунликлардан фойдаланишни таклиф қилувчи бизнес жамоалари муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Бундай ёндашувлар "кластер фирмалари, давлат ёки тадқиқот институтларини жалб қилиш орқали маълум бир минтақада кластернинг ўсиш суръати ва рақобатбардошлигини оширишга қаратилган уюшган ташаббус" деб номланган кластер ташаббуси деб ном олган[5].

Ҳудудларни ривожлантиришда кластер механизмларини шакллантириш бўйича хорижий тажрибани таҳлил қилиш асосида бир нечта асосий хулоса ва тавсияларни аниқлаш мумкин:

Кластер ёндашувининг самарадорлиги: хорижий тажриба шунини тасдиқлайдики, кластерлар иқтисодий ўсишни ва минтақаларни инновацион ривожлантиришни рағбатлантиришнинг кучли воситасига айланиши мумкин. Кластерлар доирасида корхоналар, таълим муассасалари ва давлат идораларининг биргаликдаги фаолияти билим, ресурс ва тажриба алмашишга ёрдам беради, бу еса рақобатбардошликни оширишга ёрдам беради.

Давлат томонидан қўллаб-қувватлаш: кўпгина мамлакатлар солиқ имтиёзлари, грантлар, тадқиқот дастурлари ва бошқа воситалар орқали кластерларни яратиш ва ривожлантиришни фаол қўллаб-қувватламоқда. Кластер ташаббусларини шакллантириш ва ўсишини рағбатлантиришда давлат томонидан қўллаб-қувватлаш муҳим рол ўйнайди.

Ихтисослашув ва мувофиқлаштириш: муайян саноат ёки технологияларга етибор қаратиш айниқса муваффақиятли бўлиши мумкинлигини кўрсатади. Бунинг учун самарали мувофиқлаштириш ва бошқариш, шунингдек Кластер аъзолари ўртасидаги ўзаро таъсир талаб этилади.

Умуман олганда, хорижий тажриба шунини кўрсатадики, Кластер механизми минтақавий иқтисодиётни ривожлантиришнинг кучли воситасига айланиши мумкин. Бироқ, муваффақиятли амалга ошириш давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, ихтисослашув, таълим ва халқаро ҳамкорликни ўз ичига олган комплекс ёндашувни талаб қилади. Ушбу тажрибани ўрганиш замонавий муаммолар ва вазифалар шароитида ҳудудларни ривожлантириш сиёсатини ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш учун муҳим бўлиши мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Цихан В. Кластерная теория экономического развития // Теория и практика управления. Москва, 2003. – № 5.
2. Enright M.J. Survey on the Characterisation of Regional Clusters: Initial Results. Working Paper, Institute of Economic Policy and Business Strategy. University of Hong Kong, 2000, -21p.
3. Филиппов П. Кластеры конкурентоспособности // Ж. «Эксперт Северо-Запад»-2003.-№43(152).С.24. [http://stra.teg.ru/ienta/innovation/1086/print\(17/11/2003\)](http://stra.teg.ru/ienta/innovation/1086/print(17/11/2003)).
4. Захаров В. Промышленные кластеры и экономический рост//Проблемы теории и практики управления. – Москва, 2006. – № 12.
5. Solvell O, Lingvist G, Ketels Ch. The Cluster Initiative Greenbook. The Competitiveness Institute/ VINNOVA, Gothenburg, 2003. – 94 p.

HUDUDLAR IQTISODIY RIVOJLANISHINI TA'MINLASHDA INVESTITSIALARNI AHAMIYATINI OSHIRISH

Meyliev O.R.

*Toshkent moliya instituti,
iqtisodiyot fanlari doktori (DSc)*

Gofurova K.

*Toshkent moliya instituti
moliya fakulteti talabasi*

Bugungi kunda mamlakat barqaror iqtisodiy o'sish orqali aholi farovonligini ta'minlash uchun muayyan hududlarning iqtisodiy-moliyaviy tizimini tadqiq qilish, ichki va tashqi omillari tahlili asosida xulosa va amaliy takliflar berish ustuvor vazifadir. Butun dunyo mamlakatlarida sodir bo'layotgan moliyaviy inqiroz ham muayyan hududlarning ijtimoiy va iqtisodiy holatiga alohida e'tibor qaratish kerakligi, iqtisodiy taraqqiyotni muntazam kuzatib borish va xalqaro standart o'zgarishlarga tayyor turishni ta'minlash mamlakat iqtisodiyotining rivojlanishida muhim ahamiyatga ega.

Hududlarning geografik o'rni, tabiiy resurslar salohiyati va tarixiy xususiyatiga ko'ra bir-biridan farq qiladi. Shu sababdan mamlakat mintaqalarida barqaror iqtisodiy muhit yaratish va aholining ijtimoiy hamda moliyaviy ta'minlanishi uchun samarali mintaqaviy iqtisodiyotdan foydalanish darkor. Barqaror iqtisodiyotga erishishda investitsiyalar, jumladan xorijiy va mahalliy investitsiyalarni hududlar iqtisodiyotiga jalb qilish, mintaqalarning o'z imkoniyatlaridan foydalanib, ma'lum bir sohalarga yo'naltirish muhim ahamiyatga ega.

O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Sh.M.Mirziyoyev tomonidan shu sababli hududlar iqtisodiyotiga investitsiyalarni jalb qilish to'g'risida bir necha qaror va farmonlar imzolandi. Shulardan biri bu "O'zbekiston Respublikasining 2023-2025 yillarga mo'ljallangan investitsiya dasturini amalga oshirish chora-tadbirlari to'g'risida" gi PQ-459-son qaroridir. 28.12.2022-yilda bu qaror kuchga kirib, 2023-2025 yillar uchun quyidagilar tasdiqlandi: